

Икки сажда орасидаги салом

09:25 / 12.03.2018 6965

Савол:

Ассалому алайкум! Намозда икки сажда орасида ўтиришда «Роббиғфирли» деб айтиш керак экан. Лекин китобларда бундай нарса йўқ. Қидириб кўрдим, лекин тополмадим. Бундай сўз айтиш ҳанафий мазхабида бормикан деб ўйланиб қолдим. Бунга ҳанафий мазхабида қандай қаралади? Жавобингиз учун раҳмат!

Жавоб:

["Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати](#)

Ва алайкум ассалом!

Ҳанафий мазхаби ҳам ҳар бир ҳукми ҳадисдан олади. Нафл намозларида айтсангиз бўлади.

مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلِ لَيْسَ "يَبْنَلَا نَاكَ؛ لَأَقُوعُ لَلِ فِي صَرَسَابَعِ نَبَانِ
يَنْدَاهَا وَيَنْفَاعُ وَيَنْمَحْرَاوِي لِرْفَعَا مُلَلِ؛ نَبْتَدَجَّ سَلَلَا نَبَلُوقِي
يَذْمُرْتَلَاوَدُوَادُ وَأَبَاهَاوَرِي نِقُزْرَاو

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам икки сажда орасида
«Аллоҳуммағфирли, варҳамни ва аъфини ваҳдини варзуқни», дер
эдилар».**

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Дуонинг маъноси:

«Аллоҳим, мени мағфират қил, раҳм қил, офият бер, ҳидоят қил ва ризқлантир». («Ҳадис ва Ҳаёт» китобидан). Валлоҳуаълам!